





БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ  
ИНСТИТУТИ



ISSN 3030-3877

DOI Journal 10.26739/3030-3877

# ANNALS OF CLINICAL DISCIPLINE

3 ЖИЛД, 1/2 СОН

АННАЛЫ КЛИНИЧЕСКИХ ДИСЦИПЛИН

ТОМ 3, НОМЕР 1/2

КЛИНИК ФАНЛАР ЙИЛНОМАСИ

VOLUME 3, ISSUE 1/2



ТОШКЕНТ-2026

**BOSH MUHARRIR: | ГЛАВНЫЙ РЕДАКТОР: | CHIEF EDITOR:**

**Sh. J. Teshayev**

“Klinik fanlar yilnomasi” jurnali bosh muharriri, Buxoro davlat tibbiyot instituti rektori, t.f.d., professor

**BOSH MUHARRIR O'RINBOSARI: | ЗАМЕСТИТЕЛЬ ГЛАВНОГО РЕДАКТОРА: | DEPUTY CHIEF EDITOR:**

**D. A. Xasanova**

“Klinik fanlar yilnomasi” jurnali bosh muharrir o'rinbosari, Buxoro davlat tibbiyot instituti anatomiya va klinik anatomiya kafedrasida professori, DSc

**РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:**

- **U.K. Abdullayeva** - “Klinik fanlar yilnomasi” jurnali mas'ul kotibi, Buxoro davlat tibbiyot instituti fakultet va gospital terapiya, nefrologiya va gemodializ kafedrasida dotsenti, DSc;
- **M.J. Sanoyeva** - Buxoro davlat tibbiyot instituti nevrologiya kafedrasida dotsenti, DSc
- **A.G. Gadayev** - Toshkent tibbiyot akademiyasi 3-son ichki kasalliklar kafedrasida professori, t.f.d.
- **A.R. Obloqulov** - Buxoro davlat tibbiyot instituti, yuqumli kasalliklar va bolalar yuqumli kasalliklari kafedrasida mudiri, t.f.d., professor
- **D.A. Nabiyeva** - Toshkent tibbiyot akademiyasi, 1-son fakultet va gospital terapiya, kasb kasalliklari kafedrasida mudiri, t.f.d., professor
- **Sh.T. O'roqov** - Buxoro davlat tibbiyot instituti xirurgik kasalliklar kafedrasida mudiri, DSc, dotsent
- **M.M. Karimov** - Respublika ixtisoslashtirilgan terapiya va reabilitatsiya ilmiy-amaliy tibbiyot markazi “Gastroenterologiya” ilmiy laboratoriyasi boshlig'i, t.f.d., professor
- **N.U. Narzullayev** - Buxoro davlat tibbiyot instituti otorinolaringologiya kafedrasida professori, DSc
- **G.N. Sobirova** - Toshkent tibbiyot akademiyasi reabilitatsiya va jismoniy tarbiya kafedrasida professori, t.f.d.
- **F.S. Raupov** - Buxoro davlat tibbiyot instituti bolalar xirurgik kasalliklari kafedrasida mudiri, DSc, dotsent
- **Sh.B. Axrorova** - Buxoro davlat tibbiyot instituti, nevrologiya kafedrasida dotsenti, DSc.
- **V.R. Akramov** - Buxoro davlat tibbiyot instituti travmatologiya va neyroxirurgiya kafedrasida mudiri, DSc, dotsent
- **I.K. Sadulloeva** - Buxoro davlat tibbiyot instituti bolalar kasalliklari propedevtikasi va bolalar nevrologiyasi kafedrasida mudiri, DSc, dotsent
- **M.K. Temirova** - Toshkent davlat tibbiyot universiteti, Nevrologiya va bolalar nevrologiyasi, tibbiy genetika kafedrasida assistenti PhD

**РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:**

- **G.J. Jarilkasinova** - Buxoro davlat tibbiyot instituti oilaviy shifokorlarni qayta tayyorlash kafedrasida professori, DSc
- **U.S. Mamedov** - Buxoro davlat tibbiyot instituti onkologiya kafedrasida mudiri, DSc, dotsent
- **A.A. Saidov** - Buxoro davlat tibbiyot instituti ortopedik stomatologiya va ortodontiya kafedrasida professori DSc
- **N.N. Karimova** - Buxoro davlat tibbiyot instituti 3-son akusherlik va ginekologiya kafedrasida mudiri, DSc, dotsent
- **U.K. Qayumov** - tibbiyot xodimlarini kasbiy malakasini oshirish markazi ichki kasalliklar kafedrasida mudiri, t.f.d., professor
- **M.E. Raximova** - Toshkent tibbiyot akademiyasi, 3-son ichki kasalliklar kafedrasida dotsenti, t.f.d.
- **R.I. To'raqulov** - Toshkent tibbiyot akademiyasi, 3-son ichki kasalliklar kafedrasida professori, t.f.d.
- **Ch.S. Pavlov** - I.M. Sechenov nomidagi birinchi Moskva davlat tibbiyot universiteti terapiya kafedrasida mudiri, t.f.d., professor
- **L.B. Novikova** - Rossiya Federatsiyasi Sog'liqni saqlash vazirligining “Janubiy Ural davlat tibbiyot universiteti” federal davlat byudjet oliy ta'lim muassasasi dermatovenerologiya kafedrasida professori, t.f.d.
- **O.I. Letyayeva** - Rossiya Federatsiyasi Sog'liqni saqlash vazirligining “Janubiy Ural davlat tibbiyot universiteti” federal davlat byudjet oliy ta'lim muassasasi dermatovenerologiya kafedrasida professori, t.f.d.
- **I.V. Reverchuk** - I.Kant nomidagi Boltiq federal universiteti psixonevrologiya va psixosomatika kafedrasida mudiri, t.f.d., professor
- **Edip Gonullu** - Izmir Bakirchay universiteti anesteziya va reanimatsiya kafedrasida dotsenti, t.f.d.
- **Eva Lietto** - Italiya Campania universiteti “Luigi Vanvitelli”ning tarjima tibbiyot fanlari kafedrasida mudiri, t.f.d., professor
- **G.S. Xodjiyeva** - Abu Ali ibn Sino nomidagi Buxoro davlat tibbiyot universitetining Ichki kasalliklar propedevtikasi kafedrasida dotsenti

Журнал включен в перечень ВАК национальных научных изданий, рекомендуемых для публикации основных научных результатов диссертаций по медицинским наукам постановлением № 369/6 от 5 апреля 2025 г.

© Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

**О журнале**

Журнал зарегистрирован в Агентство информации и массовых коммуникаций при Администрации Президента Республики Узбекистан № С-239963 от 14 марта 2024 года

Адрес редакции: Республика Узбекистан, 200114, г. Бухара, ул. Гиждуван, 23  
Телефон: +998(65)2230050  
Сайт: <https://tadqiqot.uz/index.php/spjacad>  
e-mail: abumkur14@gmail.com


<b>1. Ли М.С., Аликулова Х.И., Азимова К.И.</b> Лекарственный паркинсонизм: клинические предикторы, дифференциальная диагностика, терапевтические алгоритмы.....	6
<b>2. Маджидова Я.Н., Азимова Н.М., Низамходжаева Ш.Б.</b> Сурункали мия ишемияси патогенези ва клиник кечишида гипергомоцистеинемиянинг роли.....	11
<b>3. Мамаризаев Д.Ю., Эрдонова М.Г., Журакулова Г.Ж., Мардонов М.М.</b> Кахексия ва резекция қилинадиган ошқозон саратонида масофавий реабилитация: ҳолатлар серияси.....	17
<b>4. Муминова М.Т., Саидова С.Г., Муминов Р.Б.</b> Болаларда ОИВ-инфекцияси фонидаги ўткир диареяларнинг этиологик тузилмаси.....	23
<b>5. Нарзуллаев Н.У.</b> Цитокиновый профиль больных с хроническом гнойным средним отитом.....	31
<b>6. Нуриддинов У.А., Фаттахов Р.А.</b> Оценка качества жизни пациентов с двусторонними передними вывихами суставного диска ВНЧС.....	36
<b>7. Нурметова Ю.Б.</b> Комплексная оценка качества лабораторных услуг: опыт Хорезмской области.....	42
<b>8. Нурметова Ю.Б.</b> Научное обоснование системы оценки качества лабораторно-диагностической службы Хорезмской области.....	49
<b>9. Орифов С.С.</b> Оценка показателей тональной надпороговой и речевой аудиометрии у больных двухсторонней сенсоневральной тугоухостью и метаболическим синдромом.....	55
<b>10. Рахматова М.Р.</b> Суяк тўқимасининг морфофункционал кўрсаткичларини комплекс баҳолаш методологияси.....	60
<b>11. Сайфиддинов Ф.А., Азизова Ш.А.</b> Ранняя диагностика открытоугольной глаукомы с использованием тонометра ICARE и тонометра Маклакова.....	66
<b>12. Сапаев Д.А., Юнусов Р.Х.</b> Сравнительная эффективность усовершенствованного интраоперационного комплекса профилактики осложнений кишечных стом.....	72
<b>13. Сапаев О.Қ., Рўзматов И.Б., Дурдиев С.Х.</b> Ўсмир ёшдаги болаларда варикоцеленинг клиник кечиш хусусиятлари.....	82
<b>14. Тухтаева Н.Х., Бобожонов Х.</b> Ҳозирги кунда юрак-қон томир тизими касалликларини ёшариш сабаблари.....	87

- 15. Уразметова Н.Ш., Каримова М.А.**  
Менопаузача даврда аёллар йўғон ичак меъерий микрофлораси ҳолатини баҳолаш.....93
- 16. Усманов Ш.У.**  
Клинические аспекты дифференциальной диагностики мигрени и болевого синдрома, связанного с дисфункцией височно-нижнечелюстного сустава: экспертный обзор для амбулаторной практики (обзорная статья).....98
- 17. Хабилов Б.Н., Эрматова Ф.Р.**  
Кристаллизации смешанной слюны при нарушении минерализации костной ткани.....103
- 18. Хасанова Н.О., Ахадов Ж.Ш.**  
Спектр неврологических проявлений у детского контингента с сахарным диабетом 1 типа.....111
- 19. Хошимова М.О., Сулейманова Д.Н.**  
Оценка показателей фолиевой кислоты у больных с гипертонической болезнью.....115
- 20. Хусейнова Г.Х.**  
Енгил даражадаги орқа мия L<sub>2</sub> бел сатҳидаги жароҳатланишининг ўткир ва эрта даврларида уч ойлик оқ зотсиз каламуш буйракларининг морфологик кўрсаткичлари.....119
- 21. Хусейнова Г.Х.**  
Ўртача оғир даражадаги орқа мия L<sub>2</sub> бел сатҳидаги жароҳатланишининг ўткирлашган ва ўткир даврларида уч ойлик оқ зотсиз каламуш буйракларининг морфологик кўрсаткичлари.....124
- 22. Шавази Н.Н., Олимжонова Ф.О.**  
Комплексный анализ факторов риска антенатальной гибели плода и совершенствование профилактических мероприятий по снижению перинатальной смертности в Самаркандской области.....130
- 23. Шаева Р.Г.**  
Анализ характеристики локальной гемодинамики области латеральных дефектов врождённых расщелин губы и нёба.....136
- 24. Шарипова Р.Г.**  
Суяк кўмигида цитогенетик кўрсаткичларнинг тимэктомиядан кейинги динамикаси.....144
- 25. Абдурахимов З.А., Насирова Р.Р.**  
Улучшение качества оказания профилактической сестринской помощи при внедрении медицинской информационной системы в медицинских учреждениях, оказывающих первичную медицинскую помощь военнослужащим.....153
- 26. Маджидова Я.Н., Усманов С.А., Исамухамедова У.Р.**  
Сравнительная оценка эффективности скрининговых методик М-CHAT-R и CARS.....161
- 27. Хусенова Н.Т., Маджидова Я.Н.**  
Коррекция речевых нарушений у детей с autism spectrum disorder в условиях комплексной терапии с включением молекулярного водорода: динамика показателей у 57 пациентов.....171

Хусейнова Гулшан Хусейновна

Бухоро давлат тиббиёт институти, Бухоро, Ўзбекистон  
gulshan.khuseynova@mail.ru

**ЎРТАЧА ОҒИР ДАРАЖАДАГИ ОРҚА МИЯ L<sub>2</sub> БЕЛ САТҲИДАГИ  
ЖАРОҲАТЛАНИШИНИНГ ЎТКИРЛАШГАН ВА ЎТКИР ДАВРЛАРИДА УЧ ОЙЛИК  
ОҚ ЗОТСИЗ КАЛАМУШ БУЙРАКЛАРИНИНГ МОРФОЛОГИК КЎРСАТКИЧЛАРИ**

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.19820191>

**Аннотация:** Ушбу мақолада ўртача оғир даражадаги орқа миЯ L<sub>2</sub> бел сатҳидаги жароҳатланишининг ўткирлашган ва ўткир даврларида 3 ойлик оқ зотсиз каламушлар буйрақларининг морфологик кўрсаткичлари таҳлили келтирилган.

**Калит сўзлар:** орқа миЯнинг L<sub>2</sub> бел сатҳидаги жароҳати, буйрак капсуласи, буйрак таначалари, Шумлянский Боуман капсуласи, эгри-бугри каналчалари, буйрак пўстлоқ ва мағиз қавати.

Хусейнова Гулшан Хусейновна

Бухарский государственный медицинский институт, Бухара, Узбекистан

**МОРФОЛОГИЧЕСКИЕ ПОКАЗАТЕЛИ ПОЧЕК ТРЕХМЕСЯЧНЫХ БЕЛЫХ  
КРЫС В ОСТРЕЙШЕЕ И ОСТРЫЕ ПЕРИОДЫ СРЕДНЕТЯЖЕЛОГО  
ПОВРЕЖДЕНИЯ СПИННОГО МОЗГА НА УРОВНЕ L2 ПОЯСНИЧНОГО ОТДЕЛА**

**Аннотация:** В данной статье представлен анализ морфологических параметров почек 3-месячных белых крыс в острейшее и острые периоды средне тяжелого повреждения спинного мозга на уровне L2 поясничного отдела.

**Ключевые слова:** повреждение спинного мозга на уровне L2 поясничного отдела, почечная капсула, почечные тельца, капсула Шумлянского-Боумана, извитые каналцы, кора и мозговое вещество почек.

Gulshan Khuseynovna Khuseynova

Bukhara State Medical Institute, Bukhara, Uzbekistan

**MORPHOLOGICAL PARAMETERS OF THE KIDNEYS OF THREE-MONTH-  
OLD WHITE RATS DURING THE ACUTE AND MODERATE PERIODS OF SPINAL  
CORD INJURY AT THE LEVEL OF L2 LUMBAR.**

**Abstract:** This article presents an analysis of morphological parameters of the kidneys of 3-month-old white rats during the acute and moderate periods of spinal cord injury at the level of L2 lumbar.

**Keywords:** spinal cord injury at the level of L2 lumbar, renal capsule, renal corpuscles, Shumlyansky-Bowman capsule, convoluted tubules, renal cortex and medulla.

**Долзарблиги:** Замонавий техника ва технологиянинг ривожланиш даврида тиббиётнинг энг долзарб ва ижтимоий аҳамиятга эга вазифаларидан бири бу – тасодифий ходисалар туфайли орқа миyaning жароҳатланиши оқибатида уларда турли қайтар ва қайтмас структур нуқсонларнинг келиб чиқиши билан боғлиқ беморларнинг ногиронлигига сабаб бўлувчи ҳолатлардир. Орқа миyaning шикастланиши (ОМЖ) - бу жабрланганлар беморлада жисмоний жиҳатдан ногиронлига сабаб бўлувчи ҳамда психологик стрессни келтириб чиқарувчи мураккаб неврологик ҳолат [1].

ЖССТ маълумотларига кўра травматик жароҳатланишлар аҳоли ўртасида умумий ўлим ҳолатларининг сабаблари орасида учинчи ўринни эгаллайди ва 45 ёшгача бўлган меҳнатга лаёқатли ёшдаги одамлар гуруҳи биринчи ўринни эгаллайди [7].

ОМЖдан кейин беморлар ички аъзоларида юзага келадиган нейрояллиғланиш, митохондриял дисфункция, апоптоз, глиал чандикнинг шаклланиши, орқа миyада қон айланишининг ва ангиогенезининг бузилиши билан боғлиқ турли патологик ҳолатлар юзага келади ва бу ҳолатлар эса ушбу беморларда тикланиш жараёнларининг чекланишига олиб келади [7].

Орқа миyа жароҳатланиши (ОМЖ) олган беморларнинг кўпчилигида жароҳат жойидан пастда сезги ва ҳаракатланиш функцияларининг бузилишлари ҳамда 92% ҳолларда тос аъзолари дисфункцияси кузатилаб, меҳнатга лаёқатли ёшдаги одамларнинг доимий ногиронлигига сабаб бўлади [2].

Орқа миyа жароҳатланиши олган беморларни даволаш чора тадбирлари нейрохирурглар, травматологлар, урологлар ва неврологларнинг бирга ҳамкорликда ҳамжиҳатликда ишлашгани талаб этади [3,5].

Урологик асоратларнинг келиб чиқиш даражаси асосан, орқа миyа жароҳатланишининг характери ва даражаси билан белгиланади. Беморларда урологик жиҳатдан бел сатҳидаги жароҳатланишида одатда орқа миyaning жароҳатининг ўткирлашган ва ўткир даврларида ўткир сийдикни чиқара олмаслик жараёни кузатилади. Бу ҳолат эса сийдик пуфаги деворларининг ҳаддан ташқари чўзилиши оқибатида юзага келади ва унда сийдикнинг кўп вақт вақт мобайнида туриб қолишига қолишига, инфекцияли жараённинг ривожланишига ҳамда охир оқибат ярали геморрагик циститнинг ривожланишига олиб келади. Инфекцияланган сийдикнинг рефлюкси буйрак найлари орқали буйрак паренхимасининг ҳам шикастланишига ва йирингли яллиғланишли жараённинг ривожланишига сабаб бўлади. Сийдик йўллари инфекцияси, кейинчалик уросепсисга олиб келадиган умумий характерга эга инфекция касаллигининг ривожланишига ва умуртқа поғонаси жароҳатланган беморлар ўлимнинг асосий сабаби бўлиб қолмоқда. Ушбу ҳолатларнинг асосий 30-50%ини айнан сийдик айирув аъзоларидаги асоратлар ташкил қилади [6].

Бироқ ушбу муаммонинг муҳимлигига қарамасдан, турли адабиётларда орқа миyа жароҳатланиши олган беморларда сийдик айирув тизими аъзоларининг дисфункциясини ўрганишга ва баҳолашга етарлича эътибор қаратилмаган, гарчи баъзи олимлар томонидан рентгенография, экскретор урография, ультратовуш ёки радионуклеоид тадқиқотлари ёрдамида юқори сийдик йўллариининг йиллик (ёки ҳар 2 йилда) баҳолашни фаол равишда қўллаб-қувватлаб келаётган бўлсалар-да [4].

Адабиётлардаги кўплаб маълумотларга қараганда, орқа миyа жароҳатланиши олган беморларда ультратовуш текшируви усуллари ёрдамида сийдик айирув тизимини чуқур ўрганишга бағишланган илмий нашрлар, илмий манбалар нисбатан кам [3,4] шунинг учун ҳам ушбу ҳолат орқа миyа жароҳатидан кейин келиб чиқадиган ички аъзолардаги иккиламчи асоратларни ўз вақтида диагносика қилиш, даволаш ва профилактик чора тадбирларни ўтказишни талаб этади.

**Материаллар ва тадқиқот усуллари:** Тадқиқот учун виварий шароитида сақланган ҳар иккала жинсли уч ойлик 26 та оқ зотсиз каламушлардан фойдаланилди. Барча

каламушлар стандарт вивариум шароитида ва кичик ёғоч қипиқлари солинган пластик қафасларда сақланди ва барча тадқиқотлар “Экспериментал ҳайвонлардан фойдаланган ҳолда иш олиб бориш қоидалари”га амал қилган ҳолда олиб борилди. Тадқиқотда оқ зотсиз каламушларда ўртача оғир даражадаги орқа мия жароҳати махсус ишлаб чиқилган модел асосида “баландликдан қулаш ҳодисаси” усули билан етказилган. Тадқиқот учун олинган ҳайвонлар энгил изофлюран эфирли наркоз остида анестезия қилиниб, қорин бўшлиғи очилди ва буйрақлари ажратиб олинди. Ажратиб олинган буйрақларни кейинги гистологик текширувдан ўтказиш мақсадида, буйрақлар 10% ли нейтрал формалин эритмасига солинди. Буйрақ препаратлари стандарт гистологик методлардан фойдаланган ҳолда тайёрланди. Ушбу препаратлар кейинчалик гематоксилин ва эозин ва ван гизон бўёқлари билан бўялди. Препаратларнинг микроскопияси микроскопнинг катталаштирилиш масштаби  $\times 60$ ,  $\times 80$  бўлган тринокуляр микроскопда кўриди ва тегишли фотосуратлар олинди ва барча олинган натижалар статистик қайта таҳлил қилиб, намунавий ўртача параметрлари ҳисоблаб чиқилди.

**Натижалар ва муҳокама:** Тадқиқот гуруҳининг 3 ойлик оқ каламушлар буйрақлари бел соҳасида XII- ва III-бел сигменти рўпарасида жойлашган бўлиб, қизил-жигар рангли ловиясимон шаклидаги жуфт органдир. Буйрақлар ташқи томондан силлиқ ва ялтироқ капсула билан қопланган бўлиб, орқа мия жароҳати етказилганда буйрақларда макроскопик жиҳатдан яққол кўзга кўринарли патологик ўзгаришлар кузатилмади.


Ўртача оғир даражадаги орқа миянинг L<sub>1</sub> бел сатҳидан жароҳат олган уч ойлик оқ каламушларининг тана оғирлиги - 120 гр дан 167 гр гача, ўртача - 158 гр гача ораликда эканлиги қайд этилди.

Тадқиқот гуруҳининг 3 ойлик оқ зотсиз каламушларнинг буйрақлари ўртача оғир даражадаги орқа миянинг L<sub>1</sub> бел сатҳидан жароҳат олгандан кейинги ўткир даврида яъни бир соат ўтгач, органометрик параметрларининг динамикаси куйидагича бўлди: абсолют вазни - 575,36 мг дан 1010,8 мг гача, ўртача - 696,16 $\pm$ 42,66 мг; узунлиги – 15,23 мм дан 18,43 мм гача, ўртача - 16,43 $\pm$ 0,38 мм; кенлиги - 6,34 мм дан 9,88 мм гача, ўртача - 7,78 $\pm$ 0,32 мм; қалинлиги - 6,34 мм дан 9,81 мм гача, ўртача - 7,97 $\pm$ 0,31 мм; буйрақ ҳажми 397,2 мм<sup>3</sup> дан 639,02 мм<sup>3</sup> гача, ўртача - 529,47 $\pm$ 24,58 мм<sup>3</sup> га тенг бўлди.

Гистологик нуқтаи назардан, ўртача оғир даражадаги орқа миянинг L<sub>1</sub> бел сатҳидан жароҳат олгандан кейин бир соат ўтгач, каламушлар буйраги пўстлоқ қаватининг морфологик ва морфометрик кўрсаткичларида куйидаги ўзгаришлар рўй берди: буйрақ таначаларининг майдони - 1912,4 мкм<sup>2</sup> дан 2215,87 мкм<sup>2</sup> гача, унинг ўртача - 2064,92 $\pm$ 36,08 мкм<sup>2</sup>; қон томир коптокчасининг майдони - 1612,8 мкм<sup>2</sup> дан 1895,4 мкм<sup>2</sup> гача, унинг ўртача - 1773,29 $\pm$ 26,27 мкм<sup>2</sup>; капсула бўшлиғининг майдони - 251 мкм<sup>2</sup> дан 374,5 мкм<sup>2</sup> гача, унинг ўртача - 290,41 $\pm$ 13,56 мкм<sup>2</sup> га тенг эканлиги қайд этилди (3.4.3- расм).

Проксимал эгри-бугри каналчаларнинг диаметри - 20,64 мкм дан 39,8 мкм гача, ўртача - 32,04 $\pm$ 1,2 мкм га, улар каналчалари бўшлиғининг диаметри - 18,64 мкм дан 26,8 мкм гача, ўртача - 24,02 $\pm$ 0,78 мкм га тенглиги аниқланди.

Дистал эгри-бугри каналчаларнинг диаметри 27,4 мкм дан 29,4 мкм гача, ўртача - 28,2 $\pm$ 0,25 мкм га, улар бўшлиғининг диаметри 16,24 мкм дан 25,3 мкм гача, ўртача - 19,18 $\pm$ 0,85 мкм га тенг бўлди.



**1-расм. Тадқиқот гуруҳининг ўртача оғир даражадаги орқа мия  $L_1$  бел сатҳидан жароҳатининг ўткир даврида 3 ойлик оқ каламушлари буйрагининг пўстлоқ моддаси (Ван Гизон билан бўялган. ОК 10 х ОБ 40. 1-буйрак пўстлоқ қавати проксимал эгри-бугри каналчалар переметри бўйлаб сустривожланган ривожланган коллаген толалар, 2- буйрак пўстлоқ қавати дистал эгри-бугри каналчалар переметри бўйлаб сустривожланган ривожланган коллаген толалар.)**

Ўртача оғир даражадаги орқа миянинг  $L_1$  бел сатҳидан жароҳат олгандан кейинги ўткир даврида яъни 8 соат ўтгач каламушлар буйрагининг морфологик ва морфометрик кўрсаткичлари қуйидагича эканлиги қайд этилди: буйракларнинг абсолют вазни - 520,25 мг дан 962,4 мг гача, ўртача -  $745,49 \pm 46,51$  мг; узунлиги - 16,84 дан 21,66 мм гача, ўртача -  $18,49 \pm 0,61$  мм; кенглиги - 6,54 мм дан 9,28 мм гача, ўртача -  $7,96 \pm 0,32$  мм; қалинлиги - 7,86 мм дан 9,52 мм гача, ўртача -  $8,87 \pm 0,16$  мм; буйракнинг ҳажми - 489,6  $\text{мм}^3$  дан 941,09  $\text{мм}^3$  гача, ўртача -  $692,3 \pm 54,97$   $\text{мм}^3$  га тенг бўлди.

Буйрак таначаларининг майдони - 1864,25  $\text{мкм}^2$  дан 3029,8  $\text{мкм}^2$  гача, ўртача -  $2256,3 \pm 113,6$   $\text{мкм}^2$ ; қон томир коптокчасининг майдони - 1660,4  $\text{мкм}^2$  дан 1987,4  $\text{мкм}^2$  гача, ўртача -  $1891,87 \pm 23,36$   $\text{мкм}^2$ ; капсула бўшлиғининг майдони - 310  $\text{мкм}^2$  дан 386,89  $\text{мкм}^2$  гача, ўртача -  $360,76 \pm 6,86$   $\text{мкм}^2$  га тенг эканлиги қайд этилди.

Проксимал эгри-бугри каналчаларнинг диаметри - 26,68  $\text{мкм}$  дан 40,88  $\text{мкм}$  гача, ўртача -  $34,66 \pm 1,53$   $\text{мкм}$  га, улар каналчалари бўшлиғининг диаметри - 18,8  $\text{мкм}$  дан 35,89  $\text{мкм}$  гача, ўртача -  $26,25 \pm 1,93$   $\text{мкм}$  га тенг бўлди.


Дистал эгри-бугри каналчаларнинг диаметри - 27,6  $\text{мкм}$  дан 35,82  $\text{мкм}$  гача, ўртача -  $31,05 \pm 0,81$   $\text{мкм}$  га, улар каналчалар бўшлиғининг диаметри - 18,25  $\text{мкм}$  дан 26,2  $\text{мкм}$  гача, ўртача -  $21,37 \pm 0,94$   $\text{мкм}$  га тенг бўлди.

Тадқиқотимизда буйрак тўқимасидан тайёрланган препаратларни гемотоксин эозин гистокимёвий усулда бўяш орқали, тўқима хужайралар ичи ва ташқари компонентларни ҳамда уларда яллиғланиш, некроз каби турли патологик ўзгаришлар бор ёки йўқлигини кўрсатади.

Ўртача оғир даражадаги орқа мия  $L_1$  бел сатҳидан жароҳати оқибатида 2- тадқиқот гуруҳ оқ каламушлари буйрагининг пўстлоқ қавати нефронларидаги ўз тузилишини сақлаб қолган, буйрак томирли коптокчаси, шунингдек, буйрак таначасининг Шумлянский-Боумен капсуласи ҳисобига кенгайганлиги туфайли катталашганлиги, вена қон томирларининг эритроцитар масса билан димланиши, ўчоқли қон қуйилиш зоналарининг борлиги қайд этилди (2-расм).

Шунингдек, ўртача оғир даражадаги орқа мия L<sub>1</sub> бел сатҳидаги жароҳат оқибатида нефронларнинг проксимал ва дистал эгри-бугри каналчаларида ҳам ўзгаришлар кузатилди, жумладан проксимал ва дистал эгри-бугри калавасимон каналчалар хужайраларининг кариолизи, атрофияси, цитоплазманинг вакуолизацияси, периваскуляр шишлар, каналчалар ичида эритроцитларнинг мавжудлиги, каналчалар ораси ўчоқли қон қуйилиш зоналарининг борлиги қайд этилди.

Ван Гизон бўёғи билан бўялган препаратларда эса буйрак тўқимасининг стромасида тўқ пушти рангли дағал толали тузилмалар аниқланди. Коптокча, вена қон томирлари, кпроксимал ва дистал каналчалар периметри бўйлаб сийрак толали тузилмалар атрофида майда такомиллашиб бораётган дағал толали кўринишдаги толалар ҳам аниқланди (1-расм).



**2-расм. Ўртача оғир даражадаги орқа мия L<sub>2</sub> бел сатҳидан жароҳатининг ўткир даврида 3 ойлик каламушлари буйрагининг пўстлоқ моддаси (Гематоксилин-эозин билан бўялган. ОК 10 х ОБ 40.**

**1- тўқималараро шиш, 2-каналчалар ичи эритроцитларнинг мавжудлиги, 3- дистал эгри –бугри калавасимон каналчалар ичи кариолизи, 4- проксимал эгри –бугри калавасимон каналчалар ичи кариолизи.)**

Шундай қилиб, макроскопик жиҳатдан тадқиқот гуруҳи оқ зотсиз каламушлар буйрагида бир ош шиш борлиги аниқланди. Макроскопик жиҳатдан яққол кўзга кўринарли ўзгаришлар келиб чикмаган бўлса-да, аммо гистологик жиҳатдан ўртача оғир даражадаги орқа мия жароҳатланиши олгандан кейин 1 соат ва 8 соатдан кейин оқ каламушлар буйрак нефрон элементларидаги ўзгаришлар яққол намоён бўлди.

### Адабиётлар

1. Акшулаков, С.К. Эпидемиология травм позвоночника и спинного мозга / С.К.Акшулаков, Т.Т.Керимбаев // III съезд нейрохирургов России: -СПб., 2002. С.182.
2. Белашкин И. И. Ультразвуковая диагностика патологии мочевого выделительной системы при позвоночноспинальной травме: авторефканд. мед. наук. М., 2008. 24 с.
3. Драгун, В.М. Хирургическое лечение травматических повреждений средне- и нижнешейных позвонков / В.М.Драгун // Травматология и ортопедия России. 2008. - №3. - С.82-83.
4. Пулличино В. Н., Илехоф Х. Спинальная травма в свете диагностических изображений / пер. с англ. под общей ред. проф. Ш. Ш. Шотемора. М.: Медпресс-информ, 2009 . 264 с.

5. Шпаченко Н.Н., Климовицкий В.Г., Стегний С.А. и др. Особенности медицинской помощи и прогноз исходов при позвоночно-спинномозговой травме в догоспитальном этапе. Материалы научн. конф. посвящ. 40-летию отделения патологии позвоночника «Хирургия позвоночника - полный спектр». М. 2007. с. 336-339
6. Лоран О.Б., Синякова Л.А., Косова И.В., Охриц В.Е. Ошибки в диагностике и лечении рецидивирующих инфекций нижних мочевых путей у женщин. М.: «РАН Групп», 2010.- 31 с
7. Хорошилова А.С., Землянский Д.Ю.// Проблемы судебно-медицинской оценки травматической болезни при политравме /Избранные вопросы судебно-медицинской экспертизы. — Хабаровск, 2020 —№19. —С. 121-126.

# ANNALS OF CLINICAL DISCIPLINE

## АННАЛЫ КЛИНИЧЕСКИХ ДИСЦИПЛИН КЛИНИК ФАНЛАР ЙИЛНОМАСИ

Научно-практический журнал по всем  
направлениям медицины  
основан в 2024 году  
Бухарским государственным  
медицинским институтом  
Выходит один раз в 3 месяца  
Учредитель Бухарский государственный  
медицинский институт